Бутун дунёда шундай бўлишини истардим

09:00 / 27.07.2022 3298

Стэнфорд университетининг 2 йил аввал ўтказган тадқиқоти натижаларига кўра, Салоҳ Ливерпулда ўйнай бошлаганидан буён шаҳарда диний нафрат негизидаги жиноятлар 18,9% га, «Ливерпуль» фанатларининг ижтимоий тармоқлардаги мусулмонларга қарши комментлари 50% га камайган (АПЛнинг бошқа топ-клубларида эса аксинча).

Бу – нуфузли Time журнали 2019 йилда Салоҳни дунёнинг энг обрўли ва таъсири кучли шахслари топ-100 рўйхатига киритишига сабаблардан биридир. Зиёлилар орасида «Салоҳ эффекти» ибораси пайдо бўлди.

Клуб ҳатто совринларни нишонлашда алкоголсиз шампан виноларидан фойдалана бошлади.

Жордан Ҳендерсон The Times нашрига гапириб берганди: «Кийим алмаштириш хонасида Ислом дини ҳақида бирор негатив йўқ. Бутун дунёда шундай бўлишини истардим», – деди «Ливерпуль» сардори.

Манба: Muslim Mind

Бобур Акмалов